

Андижон вилоят автомобиль йўллари худудий бош бошқармаси билан Марҳамат ТИФУК ўртасида махаллий аҳамиятдаги автомобил йўлларини 2022 йилда қиши қаров ишлари бўйича тузилган

ШАРТНОМА № 54

Андижон шаҳри

2022 йил 29 январь

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Андижон вилояти автомобиль йўллари худудий бош бошқармаси номидан Низоми асосида иш кўрувчи бошлиғи Т. Қараев бир томондан, матнда кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган Марҳамат ТИФУК Низоми асосида иш кўрувчи директори Ш.Эргашев иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисида”ги Қонун талабларидан келиб чикиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 майдаги 295-сонли “ЎзР Транспорт Вазирлиги хузуридаги Автомобиль йўллари кўмитаси Низомини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорнинг 3-боб, 13-бўлим, 15-хатбошисига асосан, 2019 йил 9 декабрь кунги ПҚ-4545-сонли қарорнинг 1-иловасига асосан, ҳамда 2017 йил 14 февраль кунги ПҚ-2776-сонли қарорларга асосан, Марҳамат тумани худудидан ўтувчи умумий фойдаланишдаги махаллий аҳамиятдаги автомобиль йўлларини қиши қаров ишлари бўйича ушбу шартномани туздилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ МАҶСАДИ

1.1. “Пудратчи” ушбу шартнома шартларига мувофиқ Марҳамат тумани худудидан ўтувчи махаллий аҳамиятдаги автомобил йўлларида қиши қаров ишларини шартноманинг ажралмас қисми хисобланган иловага асосан бажариш мажбуриятини олади. “Буюртмачи” эса “Пудратчи”га бажарилиши лозим бўлган ишлар учун тегишли меъёрий хужжатлар ва ташкилот меъёрлари асосида тузилган лойиха-смета хужжатларида кўзда тутилган маблағ тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар қиймати (барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда)га асосан жорий нархларда 2022 йилда **10 395 000 (Ўн миллион уч юз тўқсан беш минг)** сўмни ташкил этади.

2.2. Бажариладиган ишлар қиймати узил кесил хисобланиб, фақаттана ишлар хажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс мажор холатлари сабаб бўлганида қайта кўриб чиқилиб, томонлар ўртасида кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

2.3. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, тегишли Фазначилик тизимидан электрон тартибда рўйхатдан ўтиб, жамғарма хисоб ракамида маблағ мавжудлигини хисобга олиб жорий ойнинг 10 санасига қадар “Буюртмачи” томонидан бажариладиган ойлик иш хажмининг 40% микдорида олдиндан аванс тариқасида “Пудратчи”нинг хисоб ракамига ўтказиб беради.

2.4. “Буюртмачи” томонидан ойлик иш хажмлари режасига асосан “Пудратчи” томонидан тақдим қилинган бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунида “Пудратчи”нинг хисоб ракамига ўтказиб беради.

2.5. “Буюртмачи” охирги тўловни “Пудратчи” томонидан иш тўлиқ бажариб топширилиб, қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунидан кечикмаган муддатда бироқ 2022 йилнинг 31 декабрига қадар ўтказиб беради.

2.6. Бажарилган ишлар учун тўловлар “Буюртмачи” томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. “Пудратчи”нинг мажбуриятлари

Мазкур шартномада илова қилинадиган бажариладиган ишлар маълумотномасига асосан биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва ишларни ой якунига қадар бажариб топширади.

Барча ишларни тасдиқланган смета хужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда “Буюртмачи”га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

3.2. “Пудратчи”нинг ҳуқуқлари

Бажариб берилган иш учун олинадиган аванс ҳак тўланишини ва ишни бажариб топширгандан сўнг тўла хажмда хисоб китоб килинишини талаб қилиш;

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асосиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш;

3.3. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари

Тасдиқланган смета бўйича бажарилган ишларни Автомобиль йўллари қўмитасининг 2003 йил 15 октябрдаги 198-сонли бўйруғи асосида “Автомобил йўлларини қуриш ва таъмирлаш ишларини қабул қилиш қоидалари” МШН-19-2004 ва бошқа меъёрий хужжатлар талаблари даражасида қабул қилиб олиш;

Бажарилган ишлар учун ўз вактида ҳак тўлаш;

3.4. “Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари

“Пудратчи”дан бажариладиган қиши қаров ишларини амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий хужжатлар асосида бажарилишини таъминлашни талаб қилиш;

Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш;

“Пудратчи”дан шартномада кўрсатилган ишларни лойиха хужжатлари асосида ишни сифатли бажарган холда қабул қилиб олиш;

“Пудратчи” томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни иш хужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш;

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган заарни тўлайди;
- 4.2. "Пудратчи" обьектни ўз вақтида топширмаганлиги учун "Буюртмачи"га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5 %и миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пенянинг суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50 %идан ошмаслиги керак.
- 4.3. Аниқланган камчилик ва нуқсонлар "Пудратчи" томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса "Буюртмачи" тўловларни тўхтатиб, лозим даражада бажарилмаган ишларнинг 20%и миқдорида жарима ундирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.
- 4.4. Бажарилган ишлар учун "Буюртмачи" томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 %и миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пенянинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 %и миқдоридан ортмаслиги керак.
- 4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган томон иккинчи томонга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказган заарларни қоплаш жавобгарлигидан озод этилмайди.
- 4.6. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарликлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунининг 25-32 моддлари асосида белгиланади.

V. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгид бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чиқса ва бу холатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликлардан озод этилиши Қонун хужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқлади.

VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.
- 6.2. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса, Қонун хужжатларида белгиланган тартибда Хўжалик суди орқали хал этилади.

VII. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

- 7.1. Шартнома томонлар имзолаб, худудий Фазначилик тизимидан электрон тартибда рўйхатдан ўтган кундан кучга кириб, 2022 йил 31 декабргача амал қиласи.
- 7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жихатдан teng кучли хисобланади.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

"ПУДРАТЧИ"

Марҳамат ТЙФУК

(иш бажарив берувчининг номи)

Манзили: Марҳамат тумани Мустақиллик кўчаси 14-үй

Тел./факс: 74 391-14-32

х/в 22626000400271883005

Банк номи: ТИФ "Миллий банк" Андикон бўлими

МФО: 00074 ИНН: 200286747

ОКОНХ: 42110

"БЮОРТМАЧИ"

Андижон вилоят АЙХББ

(бюджетдан маблаг олувчининг номи)

Манзил: Андижон ш. А. Йўлдашев кўча 30

Тел./факс 224-10-07 226-88-90

ш/х* 304510860034017045173118001

СТИР: 200230895 ОКОНХ: 84112

Фазначилик бўлинмаси номи: Ўз Р Молия

Вазирлиги Фазначилиги

Фазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: МББХ ХККМ


МФО: 00014

Фазначилик бўлинмаси СТИР 201122919



Директор:

Ш. Эргашев



Бошлик:

М. Ў

Т. Каравев

А. Мамажонов

Ҳуқуқшунос маслаҳатчи:

Андижон вилоят АЙХББ билан Мархамат
ТИФУК уртасида тузилган умумий суммаси
10 395 000 сумлик № 54 -сонли шартномага
илова

**Мархамат ТИФУК томонидан 2022 йил 1-чорак махаллий ахамиятдаги йўлларда бажариладиган кишики
карор ишлари киймати ва ишларни бажариш жадвали**


МИНГ СУМ

№	Йўлнинг номи	Автомобил йўлларининг номи	Йул- нинг узун- лиги	Смета нархи	Жами	I-ЧОРАК		
						январь	февраль	март
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1	4К-107	Ниёзботр к.- Полвнтош к.-Коракургон к.	22	1958,0	1958,0	1172,0	786,0	
2	4К-108	Янгикишло к.- Тайит к.	17	1510,0	1510,0	906,0	604,0	
3	4К-109	Ровот к.- Норай к.	7	621,0	621,0	373,0	248,0	
4	4К-110	Шуркакир к.- Шуркишлок к.	9	800,0	800,0	480,0	320,0	
5	4К-111	Мархамат к.- Кушчи к.	7	621,0	621,0	373,0	248,0	
6	4Н-1097	Тандирчи к.- Тошлок к.	7	621,0	621,0	373,0	248,0	
7	4Н-1098	Шукурмерган к.- Гулга к.	7	621,0	621,0	373,0	248,0	
8	4Н-1098а	Ровот кишлогига шахобча	4	355,0	355,0	213,0	142,0	
9	4Н-1098б	Юкорировот кишлогига	5	443,0	443,0	266,0	177,0	

10	4Н-1099	Мархамат - Охунбобоев Д.	4	355,0	355,0	213,0	142,0
11	4Н-1121	Давкар к.-Кипчок к.	9	800,0	800,0	480,0	320,0
12	4Н-1129	Найман к.-Истиклол ипакчилик хужалиги	6	533,0	533,0	320,0	213,0
13	4Н-1130	Бозорбоши к.-Мархамат Ш.	6	533,0	533,0	320,0	213,0
14	4Н-1137	Мархамат Ш.-Машканал к.	7	624,0	624,0	375,0	249,0
ЖАМИ:			117	10395,0	10395,0	6237,0	4158,0
							0,0

Мархамат ГиФУК диктіори

• Эрганизация



Андижон вилоятинин Башлиги
Т. Карапев